

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 39(65866)
1995 йил, 17 октябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

БИР МУАММО ҚИЙНАЙДИ

° Анвар, математикадан берилган уй вазифаларини бажардингми?
° Йўқ, ўзингчи, ботаникадан ўқидингми?
° Мен шеър ёдлай олмадим.

Дарс бошланишидан олдин синфдошлар ўртасида бўлаётган суҳбат фақат уй вазифасига тааллуқли эди. Синфдагиларнинг барчаси бирор фандан уй вазифасини бажаришмаган, «жавоб бериш» пайтлари уларни ташвишга қўярди. Ўқувчи эҳтимол, бу синф қоқлар қаторида бўлса керак, деб ўйлагандир? Йўқ, ундай эмас. Синфимизнинг мактабдаги бошқа синфларга қараганда ўзлаштириши яхши. Аммо, ўқув йили бошланган-

дан буён бизни бир муаммо қийнайди. Бугунга қадар дарсликларни тўлалигича олганимиз йўқ. «Ватан адабиёти» дарслиги


ҳамма ўқувчилар учун битта. Қолган дарсликлар билан ҳам аҳвол худди шундай.

Бу ўқув йилида биз математика, она тили фанларидан ташқари яна бир қанча янги дунёвий фанларни ўта бошладик. Ўқиш, чорак якуни, синовлар ҳам мураккаблашиб бормоқда. Бу эса бизни янада кўпроқ ташвишга соляпти. Дарсликларимиз бўлмаса, уй вазифаларини қандай тайёрлаймиз? Бизнинг қийналаётганимизни кўриб,

«Китоб дўконларида бўлса ҳам майли эди. Сотиб олиб берар эдик», дейишади ота-оналаримиз. Аммо улар дўконларда ҳам йўқ.

Баъзан портфели дарсликларга тўла, мактабга кетаётган болаларни кўриб ҳавасимиз келади. Биз ҳам тўла китоблар билан дарсларга борадиган кун бўлармикан?

Янгийўл шахридаги 17-мактабнинг 5-синф ўқувчилари.



Хунардан ризқинг унар

МАҲСИМГА БИР ҚАРА, БОЛАЖОН!

Мирзо Азим Соний Бўстоний номидаги мактабда ўтган йили уста Набижон Ҳикматов раҳбарлигида оёқ кийим-

ларни таъмирлаш ва тикиш устахонаси очилганди. Дастлаб устахона-тўгаракка 60 нафар ўқувчи аъзо бўлди. Машгулотлар учун ип, мих сингари зарур нарсалар етишмай турган бўлса-да, бир оз вақт ўтгач, ишлар юришиб кетди. Чунки ўқувчиларга туман маиший хизмат кўрсатиш уйининг директори Рустам Саломов оталиқ ёрдами кўрсатди.

Ҳозир болалар тўгаракда уч гуруҳга бўлиниб хунар ўрганишяпти. Улар ўртасида тез-тез «Ким тез ва сифатли таъмирлайди?» деб номланган кўрик-танлов ўтказиб турилади. Беллашувларда Хусниддин Тошев, Умид Шеров, Отабек Насимов, Улуғбек Аминов, Улуғбек Орзиев каби ўқувчилар фаол иштирок этиб, мактаб дирекцияси томонидан мукофотлар олдилар.

Яна бир нарсаси — тўгарак аъзолари пуллик хизматлар ҳам кўрсатиб, тушган маблағ ҳисобига ип, биз, игна ямоқ, чўтка, мойлаш материаллари сотиб олишяпти.

Яқинда хунардан бола-лар яна бир ҳимматли ташаббусни бошлашди. Яъни улар кам таъминланган, кўп болали оилаларга бепул хизмат кўрсатаяптилар. Булардан Раъно Номозов, Ҳамрокул Ҳожиев, Раззоқ Раҳмонов, Султонпошша Қозоқова ва бошқалар саховатли усталардан миннатдорлар.

Хунарданлар, айниқса табаррук ёшга бориб қолган отахонларга ғамхўр. Улар бемалол ёш усталар олдига келиб «Маҳсимга бир қараб бер, болажоним», дейишаверади.

Айни кунларда мактабни битириб, хунарни аъло даражада эгаллаган ўн нафар ўқувчи «Бўстон», «Ташовис», «Сўфиён» қишлоқларида алоҳида дўкончалар очиб, аҳолига хизмат кўрсатишяпти.

С. ЭГАМОВ,
Навойи вилояти,
Қизилтепа тумани.

УЧ-ТҮРТ КУНКИ, БИР ШИРИН ХАЁЛ

Уч-тўрт кунки, Маҳмуджон бир ширин хаёл, орзу билан яшайди. «Жонажон, меҳрибон Оролим ҳақида бир мусиқа яратсам, унда лиммо-лим зангори тулқинлар акс этса, гада-гада чағалайлар, чайқала-чайқала енгил сузаётган кемалар товуши эшитилгандек бўлсаю, бу садолар бутун ер юзидаги инсонларни Орол ҳалокатидан огоҳ этса... «Қани энди жонбахш денгизим қайта оби ҳаётга тулсаю, худди аввалгидек гавжум гушага айланса... Шундай кунлар қачон келаркин?!».

Унинг хаёлларини устози Бозорбой аканинг сузлари булиб юборди:

— Янги басталаган куйингни эшитдим. Уни «Орол» деб номлабсан. Бироқ сўнгги, якунловчи оҳанглар бир оз тантанаворроқ бўлса яхши буларди.

— Тугри айтасиз, узимга ҳам негандир шундай туюлганди, — устоз сузларига қушди у.



Иқтидорли, умидли мусиқачи М. Айтниёзов Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош шаҳар, Н. Островский номидаги мактабнинг 9-синфида ўқийди. Маҳмуджон мактабда ўқини билан бир қаторда шаҳар мусиқа мактабининг 5-синфида ҳам таҳсил олмоқда. Бу ерда Бозорбой ака Ендирбоевдан рубоб асбобининг сирларини урганса, пианино чалишни мустақил урганмоқда. Энг қувончлиси, кичик-кичик мусиқа асарларини ҳам ижод этиб туради. Яқинда узининг «Орол», «Она» деб номланган асарлари билан Тошкентга меҳмон булиб келди. Бу ерда булиб ўтган иқтидорли болаларнинг III Республика слетида муваффақият билан қатнашди.

Суратда: М. Айтниёзов пианино ёнида.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.



МАКТАБ УЧУН КОМПЬЮТЕР

Эшик ортидан болаларнинг шўх овозлари эшитиларди.

— Келинлар, энди мусикий номерларимизни такрорлаб оламиз.

Мастура опа ажабланиб, тўхтади. Хонага кириб, болалар билан саломлашар экан:

— Бирон тadbирга тайёрланапсизларми? — деб сўради.

— Ха, бўлмасачи, яқинда мактабимизнинг 70 йиллик тантаналари бўлади-ку, шунга ўз концерт дастуримизни тайёрлаёмиз, — бири бирига гал бермай жавоб беришди болалар.

Мастура опанинг ҳам ёдидан бу тadbир кўтарилмаган эди. Аммо ўқувчилар ҳам унга алоҳида тайёргарлик кўришаётган

нидан беҳабар экан. Бу янгилик ўқитувчини жуда севинтирди. Болалар тайёрлаётган дастурга яна нималар кўйиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Байтқўргондаги 16-мактаб бундан 70 йил аввал — 1925 йилда иш бошлаган, ўшанда мактабга жами 8 нафар бола қабул қилинган эди. Йиллар давомида

мактабнинг молиявий ва билимий базаси кенгайиб борди. Ўқувчилар сони кўпайди, янги бино қурилди. Бугунги кунда эса ушбу мактабда 1000 нафардан ошиқ болалар таълим олишмоқда. Яқинда мактабнинг 70 йиллик юбилейи кенг нишонланди. 70 йил ичида босиб ўтилган йўл ҳақида тантаналар бўлиб ўтган кун кўп фикрлар юритилди. 1925 йилда 1 синфга қадам кўйган ўқувчилардан тортиб, турли йилларда ушбу билим масканини тамомлаб чиққан, бугунги кунда турли жабҳаларда меҳнат қилаётган кишилар ўз мактаблари ҳақида сўзлаб бердилар.

Юбилей тантаналарида жуда кўп меҳмонлар иштирок этишди. Республика халқ таълими вазири Ж. Ф.

Йўлдошев мактаб жамоасини ушбу сана билан кутлади ва шунча йиллар давомида болалар учун зиё маскани бўлиб келаётган мактаб учун вазирлик томонидан компьютерлар ҳадя этди. Севимли шоиримиз А. Орипов шу мактаб ўқувчиси — ёзувчи Ўктам Усмонов ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бериб, барчани юбилей билан кутлади.

Инглиз тили муаллими Мастура опа Мирзаева таълим бераётган махсус синф ўқувчилари, мактабнинг «Ёшлик гуллари» дастаси ҳам четда туришмади. Улар ҳам ўзлари тайёрлаб келган концерт номерлари билан ҳамманинг дилини хушнуд этишди.

Юбилей тантаналари мактабнинг «Ёш ўлкашунослар» тўғараги аъзолари томонидан ташкил этилган «Дўстлик боғи»да бўлиб ўтди. Ўқувчилар кўли билан яратилган боғ мактаб жамоасини бундан кейин ҳам севиб-ардоқлашга, уни доимо ўз уйи каби кадрлашга чорлади. Мусиқа овозлари эса узоққача тинмади...

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
шу мактабнинг олий
тоифали ўқитувчиси.
Тошкент вилояти.

КЎМАКЧИЛАР ҲИММАТИ

Қишлоқ узра оқшом чуқди. Қуёш олтин гардиш мисол уфққа ёнбошлаб, оҳиста ботмоқда. Яйловдан қайтаётган қўй-қузиларнинг маъраши ҳар ённи тутган.

Уч дугона — Муаззам Уролова, Нафиса Норматова, Мунира Дониёрова ҳам даладан қайтишяпти. Улар Тойлоқ Рузиев номидаги 108-мактабда ўқишади. Айни кунларда мактабдошлари билан биргаликда дарсдан буш вақтларида Чиял ширкат-жамоа ҳужалиги пахтазорларига чиқиб, ота-оналари-

нинг яқин кумакчилари бўлишяпти.

— Даладарда чамандек очилиб ётган пахталар деҳқон ота-оналаримиз пешона тери эвазига етиштирилган. Ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолмай йиғиб олишга кумаклашиш эса ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир, — дейишади чевар қизлар. Кичик кумакчилар ҳимматидан пахтакор ота-оналар беҳад мамнун бўлишмоқда.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чирокчи тумани.



ИШЛАР ҚАНДАЙ, СИНФДОШЛАР?

Ўқув йилининг иккинчи ойи ҳам утиб бормоқда. Қани, билайлик-чи, синфда, синфдошлар ҳаётида нима гаплар экан?

Бултур уларнинг мактабда аълочилар ва урта баҳоли болалар алоҳида ўқитила бошланди. У урта баҳоли ўқувчилар синфига туш-

ди. Бундан аввалига хафа булди. Кейин: «Ажаб бўпти, аъло ўқимайдиган кейин шундай булади-да», деб узини-узи койиди. Фақат: «Ўқитувчи булмоқчи эдим, яши булмади-да», деб яна руҳи тушди.

Ана шундай кунларнинг бирида телевидение орқали бир устоз: «Аълочиларнинг ҳаммаси ҳам ўқитувчи булавермайди, бунинг учун алоҳида истеъдод керак», деди. Бу сўзлар Руқиянинг қалбига умид пайдо қилди. Ана шу «алоҳида истеъдод»ни узиди пайдо бўлиши учун ҳаракат қилди, ўқиди. Мана у бу ўқув йилидан бошлаб аълочилар синфига.

Тенгдошнинг Руқия билан юз бергандек воқеа ҳар бир мактабда, ҳар бир синфда юз бериши мумкин. Бу албатта, узингизга боғлиқ.

Тошкентдаги 24-мактабда ҳам гоҳ қувонч, гоҳ шодлик, ширин ташвишлар билан кунлар ўтмоқда.

— Дунёдаги шаҳарлар ҳақида билишни истасангиз харитадан, глобусдан фойдаланишни пухта ўрганишингиз керак, — дейди тажрибали ўқитувчи Муяссар опа Самадова. Аълочи ўқувчилар — Наргиза Акромова, Камола Носирова ва бошқалар устознинг ҳар бир сўзига диққат қилиб, у айтган шаҳарнинг неча даража кенглик, неча даража узоқликда жойлашганини кузатиб боришмоқда.

Муяссар опа Каримова эса 34 йилдан буён бошланғич синфларда муаллимлик қилмоқда. Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи. Устоз кичкинтойлар дилига доимо йўл топадилар.

Суратларда: мактаб ҳаётидан
лавҳалар.
Р. АЛЪБЕКОВ олган суратлар.



«ЭНГ ЭКСПЕДИЦИОН ОТРЯД»

Шерзод уйга гира-шира қоронғу тушаётган пайт кириб келди.

— Сени шу тугарак машғулотларинг қийнаб қуядиган булди, — углининг қорасини қуриши билан жаврай кетди Ҳалима хола. — Кунда-кунора тугарак машғулотлари дейсанда, кеч булганда бир ҳолатде, чарчаб қайтасан. Уйдаги ишларга қараша олмайсан. Бунинг устига ўқиларинг ҳам пайсаиб кетмасин, дейманда.

— Хавотир олманг, — оҳиста онасининг кунглини ола бошлади Шерзод. — Менинг бу тугаракка ишқим бошқача. Мен у ерда узга бир оламда юргандекман. Ўқиларим ҳам жойида булади.

Ҳалима хола унинг гапларига ишонқирамай қараб турарди.

— Гапларимга ишонмайпсиз, келинг булмасачи бирон машғулотга бирга борамиз. Йук, яхшиси мен сизни тугаракимизнинг «Тарихий музейи»га олиб бораман. Шунда ҳаммасига тушунасиз.

Шерзод гапининг устидан

чиқди. Ҳалима хола қуярдикуймай узи аъзо булган «Чимган» ёш туристлар клуби музейини томоша қилдириди. Шерзод айтганидек музейдаги маълумотларнинг узи бир жаҳон эди.

Ҳа, ушбу клубнинг мактаса арзигулик иши жуда кўп экан. Чунки 1951 йилда ташкил этилиб, бугунги кунгача фаолият юргазётган ушбу клубнинг жуда кўп аъзолари айнан шу йўналишда ёки шунга яқинроқ соҳаларда меҳнат қилишяпти. Демак, болаларни қизиқтира оладиган бирон иш бор эканда. Мана узингиз кўринг.

Тугарак сифатида ташкил топган клуб аъзолари пахта мавсуми давомида маблағ йиғиб, 1951 йилда биринчи бор Чирчиқ ва Сирдарёнинг қуйилиш жойига саёҳатга чиқдилар. Клуб ва кўл жойлардаги балиқларни қўққариш ишларини олиб бордилар. Уша сафарда болаларга табиат, унинг қўйнида меҳнат қилиб дам олиш жуда маъқул келди. Ва уша йилдан бошлаб бу каби қизиқарли сафарларнинг кети узилмади. Тугарак аъзоларининг сони 100 дан ошиб кетди. Улар Заркент, Оҳангарон, Чимен, Чорвоқ буйларида бўлишиб, табиат ҳодисаларини ўрганишди, уни асран борасидаги ишларни олиб боришди. Утам дарёси бўйлаб Хумсон ва Ғазалкентларга юришди. Чордара сув омборининг қурилишларини кузатишди. Ана шу йили сув омборининг юқори қисмидан сув сизиб чиқаётганини сезишиб, қурилиш раҳбарига маълум қилишди ва бундай ердамлари эвазига катерда сайр қилишдек катта «совға»га эга бўлишди.

Клуб аъзолари уз иш фаолиятларини бошқа республикалардаги тенгдошлари билан ўртоқлашиб турадилар. Улар-

нинг олиб бораётган ишларини урганиб, уз тажрибаларини уларга маълум қиладилар. Шунинг учун «Чимган» 1990 йилда «Энг яхши экспедицион отряд» номини олди. Болалар олиб бораётган ишлари натижаси кўпчиликка маъқул бўляпти. Шу сабаб ҳам улар «Гринпис» дастури буйича Канадага йўлланма олишди. Тугарак раҳбари ва 16 аъзоси бир ой давомида хорижлик фикрдошлари билан тажриба алмашишди.

Санайверсанг, қилинган ишлар, саёҳату сафарларнинг кети узилмайди. Болаларнинг узлари ҳам қатнашган мусобақалари, уларда эришган галабалари ҳақида соғлаб гапириб беришлари мумкин. Улар бу клуб ишларида юракдан ениб қатнашишди.

«Чимган» клуби аъзолари бу йил учун ҳам кушгина режаларни тузиб қуйишган. Энг асосий мақсад - Она юрт табиатини урганиш, унинг тоза ва мусаффо бўлиши учун курашиш, табиат қўйнида бўлиш.

— Клубимизга қишлоғимиздаги барча «тарбияси оғир» ҳисобланадиган болаларни таълим қилганмиз, — дейди Шерзод. — Ҳозир уларнинг номи балогатта етмаганлар билан ишлаш булими руйхатларидан учирилган.

Ҳалима хола тан берди. Углининг фойдали, қизиқарли ишлар билан шуғулланаётганига ишониб, машғулотларга қатнашишга хайрихоҳлик билдирди.

А. Н. МИНГАЗОВ,
Тошкент вилояти,
Янгийўл туманидаги
48-мактаб ўқитувчиси,
«Чимган»
клуби раҳбари.



Сиз нима дейсиз?



Нилуфар хонага кириб келганда бувиси кужойнагини тақиб, телевизор орқали берилаётган ҳазин қушиқни тинглаб утирар, ундан таралаётган мусиқа овозига монанд бармоқларини чертарди. Қизча бувининг ҳолатини бироз кузатди-да:

— Буви, зерикиб кетмадингизми? Жуда ғамгин қушиқ экан, юрагимни сиқиб юборди, — деди.

— Йўқ, болам, зерикканим йўқ. Ахир бу қушиқлар бизнинг ёшлигимизни ёдга солади. Биз шу куй-қушиқлар билан катта булганмиз.

Нилуфар яна бироз чиди. Кейин бувисининг у еқ-бу ёғидан ўтиб, телевизор қулогини бошқа каналга буриб юборди. Бир нарсанинг ичида хонани аллақандай хорижлик туруҳнинг вағир-вуғур овози

тулдирди. Қизча ҳам уша куйга мос оҳангда тебрана бошлади. Буви неварасининг қилиқларига қараб турди-да:

— Бирон нарсга тушуняпсанми узи? — деб сўради.

— Тушуняш шартми, музикасини қаранг...

Булиб утган воқеани куриб, узи умуман бугунги усмир болалар ўзбек мусиқаси ҳақида нималар тушунишаркин, деган савол пайдо булди менда. Узим мактабда дарс бераман. Болалар ашула дарсларида нималар утишига қизиқдим. Ахир ана шу ўқув дастуригина болаларда ўзбек мусиқаси, унинг тарихи ҳақида тушунча бериши мумкин. Бу ҳақда муаллимларнинг фикрларини сурдим.

— Ўзбекистон Давлат гимнини ўқув йили бошида урганлик. Ҳозир замонавий ўзбек бастакорларининг қушиқларидан урганаймиз, — деб жавоб берди Сирғали туманидаги мактабларнинг бирида дарс берувчи Холида она.

Кейин болалар билан гаплашдим. Тоҳир Жуманов Оққўрғон туманидаги 6-мактабда таълим олади.

— Ашула дарсларига умуман киргим келмайди. Чунки овозим яхши эмас.

— Замонавий бастакорлардан ёки мақом куйлайдиганлардан биронтасини биласанми? Умуман ўзбек қушиқларининг қайсиларини биласан?

Тоҳирнинг жавобидан у фақат замонавий ёш қушиқчиларнинг танишини, миллий қушиқ куйлайдиганларнинг биронтасини, мақомларнинг на номини ва на мусиқасини билмаслигини тушундим.

— «Муножот» қушиғи сенга ёқадими? «Фарғона тонг отгунча»ни ким куйлаган, — деб узимнинг жиянимни ҳам гапга солдим.

Менинг таажжубимга кура у бу икки қушиқни ҳатто эслай ҳам олмайди. Бу каби усмирлар билан булган қушгина суҳбатлардан сўнг Нилуфарнинг ҳолатини тушундим. Чунки мактабда ўзбек миллий мусиқаси ҳақида ҳеч қандай маълумотлар берилмайди. Уйда эса отонанинг бунга вақти йўқ. Чет эл қушиқларини эса улар ҳар куни ва ҳар соатда эшитишади.

Мен хорижликлар мусиқаси ёмон, уни эшитиш керакмас, деган фикрдан йироқман. Ҳар бир миллатнинг узига хос маданияти ва санъати бор. Аммо миллий қадриятларимизни тиклаётган бир пайтда ёшларга ўз даврида ота-боболаримизнинг дилини шод этган, руҳини кутарган миллий мусиқа ва қушиқларни ҳам ургатиб бориш, улар ҳақида маълумот бериш фойдалан ҳоли булмас эди. Бу ҳам болаларда Ватанга муҳаббат руҳини тарбиялашнинг бир омилли. Шундай эмасми?

Ф. СОДИҚОВА,
Тошкент вилояти,
Оққўрғон
туманидаги 6-мактаб
ўқитувчиси.

Ҳурматли ўқувчилар! Куйидаги қизиқарли масалаларни ҳал этиб, мантиқий фикрлаш ва ҳисоблашга оид билимларингизни синаб кўринг.

УЧАЁТГАН ЎРДАКЛАР

Осмондаги урдаклар галасининг бири олдинда ва иккитаси орқароқда, бири орқада ва иккитаси олдинда, бири иккитасининг уртасида, уч қатор булиб парвоз этмоқда. Ҳисоблаб топинг-чи, ҳамма урдаклар сони нечта экан?

БОБО ВА НАБИРА

Бир кекса кишидан сўрадилар:

— Бобожон, ёшингиз нечада?

— Ёшим анчага бориб қолган, мен набирамдан 900 мартаба каттаман, — деб жавоб берди бобо.

Топинг-чи, шундай булиши ҳам мумкинми?

ПИФАГОР ЖУМБОФИ

Қадимги юнон математиги Пифагордан:

— Талабаларингиз нечта? — деб сўрашибди.

— Талабаларимнинг ярми математика илмини урганапти, чорак қисми табиат сирларини урганишмоқда, еттидан бир қисми эса сокин ҳолда фикр-мулоҳаза юритиш билан машғул, қолган қисми уч қизни ташкил этади, — деб жавоб берди.

Ҳисобланг-чи, Пифагорнинг талабалақи нечта экан?

СИГИРЛАР ВА ОФИЛЛАР

Кучли емғир ёғиб турган кунларнинг бирида бир неча сигир фермага югуриб кириб келди. Агар фермадаги оғилларнинг ҳар бирига биттадан сигир жойлашса, битта сигирга оғил егишмайди. Агар ҳар бир оғилга иккитадан сигир жойлашса, бир оғил буш қолади.

Фермага келган сигирлар нечта ва оғиллар сони қанчаллигини топинг-чи?

Фозилжон ОРИПОВ.

СЎЗЛАР ХАЗИНАСИ

Азиз болалар! Сиз қанча кўп сўз ўргансангиз, дугатингиз шунча бойийди, нутқингиз шунча раво бўлади. Фикрингизни қийналмай, чиройли сўзлар ишлатиб, баён қила оласиз. Шунинг учун ҳам газетамизда «Сўзлар хазинаси» деган янги рукн очдик. Бугунги мавзумиз — оила ҳақида бўлади.

Оила — катта жамоа. Оила аъзолари аҳил, ҳамжиҳат бўлиб яшашлари керак.

Сизнинг оилангизда кимлар бор? Уларнинг номларини айтинг ва ёзинг.

Бобо, буви, ота-она сўзларини яна қандай сўзлар билан аташ мумкин?

Масалан: буви: момо...

Ота...

Она...

Оила аъзоларининг иноқ, ҳамжиҳат бўлиши учун нималар қилиш керак?

Сиз оилада қандай ишларни бажарасиз?

ЛУҒАТ ДАФТАРИНГИЗГА ЁЗИНГ:

ДУО — яхшилик тилаш.

САВОБ — яхши ишлар қилиш.

ГУНОҲ — одобсизлик, инсонларни ранжитиш.

УВОЛ — нарсаларни кўп сарф этиб, бузилиб қолиш ҳолатлари.

ИСРОФ — нарсаларни меъёридан кўп сарф этиш.

САРАНЖОМ-САРИШТА — тартибли бўлиш.

ТЕЖАМКОРЛИК — нарсаларни ўлчаб, эҳтиёт қилиб ишлатиш.

ИНОҚ — дўстлик, ўртоқлик.

ГЎЗАЛЛИК — чиройли, кўркамлик.

ОРАСТАЛИК — тоза юриш.

ТАОМ — овқат.

ЮМУШ — иш.

МАНЗУР БЎЛИШ — маъқул бўлмоқ.

Кумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори.

КИМ КЎП ОБУНА БУЛАРКИН?

«Тонг юлдузи»га обуна бўлишга шошилинг! Йиллик баҳоси — 208 сўм
80 тийин, 6 ойга — 104 сўм 40 тийин.





Биз, эмгир томчилари — фаришталар осмондан тушираётган кумуш илларимиз. Табиат биз билан водийларни безайди.

Биз — гузаллик маликаси Аштарта (иштар)нинг гултождан тўкилган ажиб марваридларимиз. Бизни тонг қизи ўғирлаб, дала-ларга сепиб юборади.

Мен кўз ёш тўксам қир-адирлар кулади, ерга сингиб кетсам, гуллар униб, очилади...

Булут ва дала — ошиқ, маъшуклар. Мен улар ўртасидаги меҳр элчисиман. Муздай томчиларим билан бирининг қалб ташналигини қондираман, бирининг дардига шифо бераман.

Момақалдирик гумбури ва яшин чақмоғи менинг келишимдан дарак беради, осмоннинг камалак гумбази менинг сафаримга яқун ясайди. Қаҳқор эгам осмонда менга ҳаёт бахш этади, гузал камалак фариштаси қучоғида жон бераман.

Мен денгиз бағрида тугилиб, ҳавонинг ҳарир қанотларида чарх уриб, яшил гулзорлар, боғ-роғларни кўрганимда тўкилиб, гулларнинг гунча лабидан упаман, даракларнинг новда ва барглари кучиб, ардоқлайман.

Булутли, осуда дамларда биллурдай

ЖАБРОН ХАЛИЛ

XX аср араб адабиётининг йирик вакили, Лубнон (Ливан) да туғилиб, АКШ ва Францияда яшаб, таҳсил олган. Ёзувчи ижодида сўз билан ифодалаш қийин бўлган руҳий олам манзаралари, муסיқий оҳанглар кучлидир. У мусаввир, муסיқа зарғари сифатида ҳам машҳурдир. Адиб асарлари фақат бадиий адабиёт ҳазиналари бўлибгина қолмай, балки руҳий, фалсафий, ахлоқий, маънавий изланишлар сифатида ҳам қимматлидир. Қуйида Жаброн Халилнинг «Кўз ёшлар ва табассум» туркумига кирган ҳикояларидан қилинган таржималарни диққатингизга ҳавола этамиз.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ.

томчиларим билан деразаларнинг ойналарини ногора қилиб чаламан, бу зарблар нозик кўнгилларда қўшиқдек жаранглайди.

Ҳаво ҳарорати булутларни эритиб ёмғир ёғдиради, биз эса қасдимизни олгандек, муздай салқинимиз билан ҳаво ҳароратини тўлдирамай.

Мен, денгиз нафаси, само кўз ёши, далалар табассумиман. Севги ҳам ана шундай — ҳиссиётлар денгизининг нафаси, изтиробли кечинмалар осмонининг кўз ёшлари ва кўнгил далаларининг табассумидир.



Чирой — севги етакчиси, кўнгил атри, жон озукасидир.

Чирой — бахт манзили, қувонч манбаи, ором бешиги.

Чирой — қиз лабидидаги ханда: йигит чиройни кўрсан — чарчоғини унутди, умрининг сувсиз саҳроси — ширин тушлар гулзорига айланади.

Гузалик — шоирлар илҳами, мусаввирлар ва муסיқачилар раҳнамаси.

Гузалик — чақалоқнинг беғубор нигоҳи, она бу нигоҳни кўриб, тиз чўкиб, Яратганга шуқурлар айтади.

Гузалик — Одам Ато кўз олдида Ҳавога айланади. Сулаймоннинг ҳабибаси бўлиб, уни шоир донишмандга айлантди.

Гузалик Елена табассуми бўлиб, Иллон (Троя) шахрини барбод қилди, Кулбатрога гултож бўлиб, Нил водийсини байрамгоҳга айлантди.

Гузалик — Раҳшонак бўлиб, олам фотиҳи Искандар қалбини забт этди.

Гузалик — тақдир эркаси. У бугун куради, эртага бузади. Гузалик — Тангри қиличи ва ҳаёт томчиси, хоҳлаганини ўлдириб, хоҳлаганига жон ато қилади.

Гузалик — бинафша нафасидай нозик, бурондан кучли.

Гузалик — ҳақ-таолодир, эй одамлар. Гузалик — ҳақиқатдир. Билганларингиздан энг муҳими — шудир.

Устозларимиз ижодидан



Жалил ака Бердимуродов Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов туманида истиқомат қилиб, 30 йилдирки, мактабда она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келадилар, Илёс Исмоиловнинг ҳам касби муаллимлик. Низомий помидога Тошкент Давлат педагогика олийгоҳида дарс берадилар.

Икки устоз, икки муаллимнинг маслак ва мақсадлари ягона — ёшларга таълим-тарбия бериш. Яна бир ўхшаш томони — иккиси ҳам ижодкор. Фурсат топилди дегунча, шеърлар қоралашади. Улар орасида болаларга аталганлари ҳам талайгина. Қуйида шеърлардан намуналар ўқийсиз.

ТҮРТЛИКЛАР

Текинга бахт берса олмагин ўртоқ,
Миннатсиз ҳалол нон тахтдан улугроқ.
Димоғинг истаса атиргул хидин,
Тикон захмин чекиб узган яхшироқ.

Она — бу юракда барқ урган жоним,
Фарзанд бу — томирда лоларанг қоним,
Бирисин биридан ортиқ кўрмасман,
Ота — бу вужудда шаксиз имоним.

Жалил БЕРДИМУРОДОВ.

ЎФИЛЛАРИМ-ҚИЗЛАРИМ

Билимдадир кучингиз,
Асли шудир бурчингиз,
Ўғилларим-қизларим.

Бўлинг эл иззатида,
Ҳамда юрт хизматида,
Ўғилларим-қизларим.

Ёмоннинг доғи ёмон,
Бахилнинг боғи ёмон,
Ўғилларим-қизларим.

Илёснинг кўп қувончи,
Бордир сиздек таянчи,
Ўғилларим-қизларим.

Илёс ИСМОИЛОВ

Ҳамидулла Мўминов Тошкент шаҳридаги 20-мактабнинг 8-синфида аъло баҳоларга ўқийди. Айниқса адабиёт фанига меҳри бўлакча, шеър ўқиш сеvimли машғулот. Устози Ҳусния она Алавулдиновадан инглиз тили сабоғини оляпти. Бу ёқда дарслар, уй юмушлари. Шундай бўлса ҳам фурсат топилди дегунча, митти шеърлар қоралайди. Ёзган шеърларини аввало ота-онасига, устозларига, сўнгра синфдошларига ўқиб беради.

Сизлар ҳам тенгдошингиз Ҳамидулланинг шеърини ўқиб кўринг.



ТЕНГ БЎЛИШИБ ОЛИШДИ

Али билан Валини
Ҳасан-Ҳусан дейишар.
Чунки бир майизни ҳам,
Тенг бўлишиб ейишар.
Тунов куни ҳисобдан
Али «4» баҳо олди.
Кундалиги қулида,
Севингдан шошиб қолди.
Кутилмаганда устоз,

«2» куйди, қадди дол,
Зумда шашти пасайиб,
Аливой боқади дол.
Масаланинг ечимин,
Шипшитган-учун Алига.
«4» баҳонинг тенг ярмин,
Қуйибдилар, Валига.

Ҳамидулла МҶМИНОВ.

Бир ҳафталик кулгу — бир йиллик умр

Улмирза Пулмирзаев:
— Отингни сотма, керак булади.

— Йигит базму туйда, қиз куча-қуйда билинади.

Латта Паттаев:
Келиним, сенга айтаман,
қизим, сен эшит.

Алкаш Чалкашев:
— Улфатни куп қилгунча,
қаллангни туп қил.

Қўшма Қўшиқчиев:
— Ҳамроҳни йўлда, ҳамкорни пулда сина.

Ақида Ҳақидаев:
— Нима билсанг шуни қил,
Нима қилсанг шуни бил.

Улпон Чулпонов:
— Такангни серка қилу болангни эрка қилма.

Овчи Совчиев:

Сафар ОЛЛОЁР.



Опа-сингил Озода ва Зиёдахонларнинг нияти: «Музқаймоққа тўйсин болалар, музқаймоқдай бўлсин бу ҳаёт...»

Р. АЛЬБЕКОВ фотоэюди.

Дунёда бир қанча ижтимоий, маънавий-маърифий оқимлар мавжуд. Албатта, улар тараққиёт учун узига хос хизмат қилади. Агар уларнинг ҳар бирини яхлит ҳолда таҳлил этсак, номукамал — камқиррали эканлиги аён булади. Узаро ҳамжиҳатликка эса улар ҳеч қачон келиша олмайди.

Энди уйланг: кимдан мукамал таълим олиш мумкин?! Шубҳасиз, ҳаётдан! Негаки, Ҳаёт — энг улуг муаллим. Устоз муаллимлар-чи, дейсизми? Бунгайм уйланг:

катта муаллимларнинг муаллимнинг муаллимини, унинг ҳам муаллимини, унисининг ҳам муаллимини, борингки, энг бош муаллимни ким тарбияла-

қл, афоризм тусини олмасин) муаллифи ҳам аслида Ҳаёт...

Шундай қилиб Ҳаёт минба-рида Овсар Қайсаров;

— Олтин топсанг олма, дол-

НИМА БИЛСАНГ, ШУНИ ҚИЛ

ган?! Яна муаллимми, Ҳаётда! Аммо Ҳаёт сабоқларини авлодларга ургатишда ҳурматли муаллимларимиз инсонга хос олий инъом — воситачилик қилишади.

Мана бу гаплар (ҳаргиз на-

лару рублдан қолма.
Аломат қандолатчи:
— Эшитмайин десанг панд,
олгин хурозқанд.
Пойи Патаков:
— Отарнинг улоғи булгунча
қоплоннинг қулоғи бул.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табақ. Буюртма — Г 0450. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўттиш тартиби № 000137
• Маъзилими: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25